

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020. Fil.76.04
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАСУЛОВА УМИДА САДУЛЛАЕВНА

**ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА ЎҚУВЧИЛАРДА МОРФОЛОГИК
КОМПЕТЕНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Абдурасулова Умида Садуллаевна

Она тили таълимида ўқувчиларда морфологик компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг замонавий технологиялари.....3

Абдурасулова Умида Садуллаевна

Современные технологии формирования и развития морфологических компетенций у учащихся в обучении родному языку.....23

Abdurasulova Umida Sadullayevna

Modern technologies of formation and development of morphological competence of students in teaching their native language.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Fil.76.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАСУЛОВА УМИДА САДУЛЛАЕВНА

**ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА ЎҚУВЧИЛАРДА МОРФОЛОГИК
КОМПЕТЕНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Ped 591 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Собирова Махбубахон Юсупджоновна,
педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Искандарова Шарифа Мадалиевна,
филология фанлари доктори, профессор

Юсупова Шоҳида Жалолиддиновна,
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети**

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Fil.76.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+998)69-227-06-12; факс: (+998)69) 227-07-61; e-mail: info@namdu.uz.)

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (99869) 227-29-81.)

Диссертация автореферати 2020 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2020 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.М.Улуков

Илмий даража берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

У.Я.Қўзиев

Илмий даража берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, PhD.

Ҳ.А.Жўраев

Илмий даража берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон педагогикасида ўқувчиларда тил сатҳларига доир лингвистик компетенцияларни шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир замонавий педагогик технологияларни яратиш ҳамда таълим тизимига жорий этиш тил таълимининг бош устувор вазифасига айланди. Шу боис она тили таълимида назариядан амалиётга тамойили асосида ўқувчиларнинг тилнинг асосий фонетик, лексик-семантик, грамматик сатҳи ва бирликларига доир лингвистик компетенцияларини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Дунё тил таълими назариясида лингвистик компетенциялар сирасида сўз туркумлари таснифи, сўзнинг лексик ва грамматик маънолари, морфологик шакллари, категорияларига доир юксак билим, малака ва кўникмалар мажмуи бўлган морфологик компетенциянинг муҳим илмий-назарий ва амалий таълимий аҳамиятга эгалиги эътироф этилган. Морфологик компетенция ўқувчиларнинг нафақат морфологияга оид, балки фонетик, лексик, морфемик, синтактик, услубий компетенцияларини алоқадорлик, боғлиқлик, узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари асосида мукамаллаштирувчи, такомиллаштирувчи ва ривожлантирувчи ҳамда уларда фаол ижодий, мустақил, танқидий фикрлаш, изланувчанлик сифатларини шакллантирувчи моҳиятга эгалиги билан тавсифланади. Шунинг назарда тутган ҳолда она тилини ўқитиш жараёнини компетенциявий ёндашув асосида лойиҳалаш, ўқувчиларда лингвистик компетенцияларни ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг илмий-методик тизими ва замонавий технологияларини яратиш кун тартибига қўйилган.

Жаҳон билан қадам-бақадам бўйлашаётган мамлакатимизда таълимнинг барча босқичларида она тили таълимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясида ўқитувчи ҳамда мураббийлар олдида “жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”¹ каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу, албатта, она тили ва адабиёти фани ўқитувчиларидан тилнинг барча бирлик ва соҳалари бўйича юксак билим, малака ва кўникмалари, яъни лингвистик компетентлиги етук ўқувчиларни тарбиялашни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан она тили таълими жараёнида ўқувчиларда морфологик бирлик ва воситаларини тушуниш, англаш, фарқлаш, қўллаш, таҳлил қилишга доир компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантириш технологиялари тадқиқи долзарбдир.

¹ Қаранг: www.lex.uz / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони.

Ушбу диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сон “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижросига муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1.“Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Компетенциявий ёндашув асосида таълим жараёнини ташкил этишнинг педагогик ва методик жиҳатлари, дарс жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этиш ҳамда ўқувчиларда компетенцияларни шакллантириш, ривожлантириш масалалари хорижда Ш.Балли, К.Бюлер, Э.Бенвенист, А.Хуторской, Г.Спенсер, А.Блум², рус педагогикасида Е.Ружьева, А.Ефремова, А.Зимняя, И.Байденко, Г.Саяхова³лар, ўзбек педагогикасида Н.Азизхўжаева, У.Бегимкулов, Р.Ишмухамедов, М.Тожиев, Н.Муслимов, Н.Турдиев, О.Қўйсинаев, У.Мингбоев, Г.Ибрагимова⁴ каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

² Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – Москва: Эдиториал УРСС, 2001. – 392 с.; Бюлер К. Теория языка: Репрезентативная функция языка. – Москва: Прогресс, 1993. – 501 с.; Бенвенист Э. Общая лингвистика. – Москва: Эдиториал УРСС, 2002. – 436 с.; Хуторской А.В. Технология проектирования ключевых и предметных компетенций / интернет манзили: [eidos.ru. journal/ 2012/ 0829-05 /html](http://eidos.ru/journal/2012/0829-05/html); Спенсер Г. Основания психологии. – Москва: ООО .Издательство АСТ-ЛТД, 1998. – С.560.; Blum A. The development of an Integred Science Curriculum. Information Scheme Fur // Science Education 1981, vol. 3. – P.1-15.

³ Ружьева Р.Е. Формирование лингвистической компетенции на уроках русского языка (5-6 классы): Дис. ... канд. пед. наук. – Москва, 2002. – 212 с.; Ефремова О.А. Индивидуализация обучения как средство формирования коммуникативной компетенции учащихся на уроках русского языка: Дис. ... канд. пед. наук. – Новосибирск, 2002. – 253 с.; Зимняя И.А. Ключевые компетенции – новая парадигма результата образования // Высшее образование сегодня, 2003. – № 5.; Байденко В.И. Компетентностный подход к проектированию государственных образовательных стандартов высшего профессионального образования (методологические и методические вопросы): Методическое пособие. – Москва, Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2005. – 114 с.; Саяхова Л.Г. Методология и методическая система формирования лингвокультурологической компетенции тюркоязычных учащихся на уроках русского языка. – Уфа: РИЦ БашГУ, 2010. – 294 с.

⁴ Azizxo'jayeva N.N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. – Toshkent, 2006. – 160 b.; Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти: Пед. фан. докт... дисс. – Тошкент, 2007. – 305 б.; Ишмухаммедов Ж., Қодиров А.,

Она тилини ўқитиш орқали ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш ва илмий-назарий маълумотларни амалиётга татбиқ этиш усуллари, ўқувчиларнинг коммуникатив саводхонлигини ошириш, она тили машғулотларини янги педагогик технологиялар асосида такомиллаштириш Ё.Ғуломов, А.Ғуломов, Н.Маҳмудов, Б.Тўхлиев, Н.Улуқов, Т.Зиядова⁵ ва бошқа олимларнинг ишларида батафсил ёритилган.

Она тили таълими мазмунини янгилаш, нутқ ва тафаккур ўстириш масалаларида узлуксизликни таъминлаш, интеграцияли таълимни амалга ошириш, ўқув материалларининг методик таъминотини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш бўйича Ш.Юсупова, М.Собирова, М.Саидов, М.Мирмахсудова, Х.Қурбанова, Х.Муҳиддинова, А.Ҳамроев, Ғ.Ҳамроев, синтаксисни морфологияни такрорлаш билан боғлаб ўрганиш юзасидан Т.Юсупова⁶лар тадқиқот олиб борган, бироқ ўқувчиларда морфологик компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш технологиялари монографик тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университети илмий-тадқиқот

Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Тошкент, 2008. – 180 б.; Тожиев М., Зиёмухамедов Б. Миллий педагогик технологияни таълим-тарбия жараёнига татбиғи ва уни ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдаги ўрни. – Тошкент, 2010. – 266 б.; Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. – Тошкент, 2015. – 120 бет.; Турдиев Н., Асадов Ю., Акбарова С. Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари. – Тошкент, 2015. – 160 б.; Қўйсинов О.А. Компетентли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш технологиялари: Пед. фан. док... дис. – Тошкент, 2019. – 218 б.; Мингбоев У.Х. Ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш методикасини такомиллаштириш: Пед. фан. Фалс. д-ри. (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2019. – 137 б.; Ибрагимова Г. Интерфаол ўқитиш методлари ва технологиялари асосида талабаларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш: Пед. фан. Фалс. д-ри. (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2017. – 137 б.

⁵ Ғуломов Ё., Абдурахмонов Н. Ўзбек тили ўқитиш методикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – 112 б.; Ғуломов А., Нейматов Ҳ. Она тили таълими мазмуни. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.; G'ulomov A., Qodirov M. va bosh. Ona tili o'qitish metodikasi. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2012. – 380 b.; Маҳмудов Н., Нурмонов А., Собиров А ва б. Ўзбек тили ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 176 б.; To'xliyev B., Yusupova Sh va b. O'zbek tili o'qitish metodikasi. O'quv qo'llanma – Тошкент, 2012. –176 б.; Uluqov N., G'oyibnazarova N. Ona tili. 6-sinf. O'qituvchilar uchun metodik qo'llanma. – Toshkent: Tasvir, 2005. – 192 b.; Зиёдова Т. Матн яратиш технологияси. – Тошкент: Фан, 2007. – 143 б.

⁶ Юсупова Ш. Она тили таълими самарадорлигини оширишда илғор педагогик технологияларни жорий этиш (ноанъанавий усуллар ва компьютердан фойдаланиш): Пед.фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2005.; Собирова М. Ўзбек мактаблари юқори синф ўқувчиларига содда гап синтаксисини мунозара усулида ўргатиш: Пед.фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 1994.; Саидов М. Ўзбек мактабларининг 5-синфларида она тили таълими жараёнида тафаккурни ривожлантирувчи ўқув топириқлари ва улардан фойдаланиш методикаси: Пед. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2000.; Мирмахсудова М. Ўқувчилар нутқини такомиллаштиришда грамматик терминлардан фойдаланишнинг лингвометодик асослари (5-7-синф она тили дарслари мисолида): Пед. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2004.; Қурбанова Х. Она тили таълими мазмунини янгилашнинг лингвометодик асослари: Пед.фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2005.; Мухитдинова Х.С. Ўзбек тилини ўқитишда узлуксизликни таъминлашнинг илмий-методик асослари. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2008. – 238 б.; Ҳамроев А. Она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш. Пед. фан. д-ри. (DSc) ... дисс. – Тошкент, 2020. – 246 б.; Ҳамроев Ғ. Умумий ўрта таълим тизимида фонетикага доир ўқув материалларининг методик таъминотини такомиллаштириш: Пед. фан. Фалс. д-ри. (PhD) ... дисс. – Самарқанд, 2019. – 144 б.; Юсупова Т. Синтаксисни морфологияни такрорлаш билан боғлаб ўрганиш методикаси. – Тошкент: Фан ва технология, 2009. – 179 б.

ишлари режасига мувофиқ “�збек тилининг системавий тадқиқи ва методикаси” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўқувчиларда морфологик компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг замонавий технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умумий ўрта таълим тизимида морфологияни ўқитишнинг бугунги аҳволини таҳлил қилиш;

ўқувчиларда морфологик компетенцияларни ривожлантиришнинг кластерли модели ва алгоритмик харитасини ишлаб чиқиш;

ўқувчиларда морфологик компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришга доир замонавий технологияларни такомиллаштириш;

ўқувчиларда морфологик компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришда замонавий педагогик технологияларни қўллаш ҳамда жорий этиш бўйича тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларда морфологик компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнидир.

Тадқиқотнинг предмети она тили таълимида ўқувчиларда морфологик компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш технологиялари мазмуни, шакл, метод ҳамда воситаларидир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда кузатиш, қиёсий таҳлил, диагностик (анкета, суҳбат, сўров), тажриба-синов, математик-статистик таҳлил, лойиҳалаш, моделлаштириш ва умумлаштириш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларда сўзнинг луғавий, грамматик хусусиятларини фарқлаш, ўзаро қиёслаш, нутқ вазиятига мос равишда тўғри танлаш ва қўллашга доир морфологик компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш технологиялари табақалаштирилган, мустақил, ижодий фикрлашга ундовчи, босқичли дидактик топшириқларни тизимли қўллаш асосида такомиллаштирилган;

она тили таълимида морфологик компетентликни ривожлантиришга доир ўқувчиларнинг қисман изланувчанлик, илмий-ижодий фаолиятларини оширишнинг кластерли модели ишлаб чиқилган;

ўқувчиларнинг морфологик компетентлигини ривожлантириш технологиялари механизми узвийлик, узлуксизлик, таққослаш, онглилик, мустақиллик, индивидуаллик педагогик тамойиллари ва замонавий технологияларнинг узвий алоқадорлигини таъминлаш асосида мукамаллаштирилган;

она тили таълимида ўқувчиларда морфологик компетентликни шакллантириш технологиялари мазмуни, усул ҳамда воситалари инновацион ва интеграцион ўқитиш усулларини лойиҳалаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

морфологияни ўқитиш жараёнида морфологик бирликларни абстракт англаш ва амалий қўллашга йўналтирилган замонавий технологиялардан фойдаланиш тузилмаси ва компонентлари аниқлаштирилган;

морфологик компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантиришда ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда замонавий усуллардан тизимли фойдаланиш механизми зарурати асосланган;

ўқувчиларда морфологик компетентликни ривожлантиришнинг алгоритмик харитаси ишлаб чиқилган;

ўқувчиларда морфологик компетенцияларнинг шаклланганлик даражасини объектив аниқлаш ва автоматик баҳолашга имкон берувчи дидактик воситалар, методик тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, амалга оширилган тажриба-синов ишларининг самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти она тили дарсларида ўқувчиларнинг морфологик компетентлигини ривожлантиришга оид фикр-мулоҳазалар кўламининг кенгайтирилганлиги, морфологияни ўқитиш методикасининг янги хулосалар билан бойитилганлиги, ўқувчиларда морфологик компетентликнинг шаклланганлик ва ривожланганлик даражасини аниқлашга кўмак берувчи илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти замонавий таълим методлари ва технологиялари воситасида ўқувчиларда морфологик компетентликни шакллантириш ҳамда ривожлантириш, интерфаол таълим муҳитини яратишнинг методик тизимини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Она тили таълимида ўқувчиларда морфологик компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг замонавий технологияларига доир илмий натижалар асосида:

ўқувчиларда сўзнинг луғавий, грамматик хусусиятларини фарқлаш, ўзаро қиёслаш, нутқ вазиятига мос равишда тўғри танлаш ва қўллашга доир морфологик компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришда табақалаштирилган, мустақил, ижодий фикрлашга ундовчи, босқичли дидактик топшириқлардан тизимли фойдаланишга оид таклифларидан “Она тили” фанидан Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси таълим марказининг 2020 йил 24 сентябрдаги 03/03/1062-сон маълумотномаси). Натижада умумий ўрта

таълим мактаблари она тили фани дастур ва дарсликлариди морфологияга доир ўқув материалари мазмунини такомиллаштиришга эришилган;

ўқувчиларнинг морфологик компетентлигини ривожлантириш технологиялари механизмини узвийлик, узлуксизлик, таққослаш, онглилик, мустақиллик, индивидуаллик педагогик тамойиллари ва замонавий технологияларнинг узвий алоқадорлигини таъминлаш асосида такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсияларидан ЎзПФТИ Қорақалпоғистон филиалида 2017-2020 йиллар давомида бажарилган ФЗ-2016-0908165532 “Қорақалпоқ тилининг янги алфавити ва имло қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиётини ривожлантириш методикаси” номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 августдаги 89-03-2848-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларнинг нутқий компетенцияларини ривожлантириш ва баҳолаш методикаси такомиллаштирилган;

морфологик компетентликни ривожлантиришда инновацион ва интеграцион ўқитиш усулларини қўллашга доир таклиф ва тавсияларидан А-5-37 рақамли “Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчиларида дастлабки математик билимларни шакллантиришга мўлжалланган мультимедиали интеллектуал ўйинлар” амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 21 августдаги 89-03-3494-сон маълумотномаси). Натижада таълим жараёнларида ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришда инновацион ва интеграцион технологиялардан, хусусан, мультимедиали ўйинлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан 2 таси хорижий ва 2 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва тавсия, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, 136 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, тадқиқот


усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўқувчиларда морфологик компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг назарий асослари”** номли бобида морфологик компетентликнинг моҳияти ва мазмуни, морфологияга доир ўқув материаллар таҳлили ҳамда ўқувчиларда морфологик компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг мавжуд аҳволи тадқиқ этилган.

Бобнинг **“Морфологик компетентлик моҳияти ва мазмуни”** номли биринчи бўлимида она тили ўқитишни компетенциявий ёндашув асосида модернизациялаш, компетенция, компетентлик, компетенциявий ёндашув, морфологик компетентлик каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти мавжуд манбалар асосида баён этилган. Ўқувчиларнинг нутқий кўникмаларини ривожлантиришда морфологик компетенцияларнинг илмий-амалий аҳамияти, ўқувчиларда морфологик компетенцияларни замонавий технологиялар асосида ривожлантириш босқичлари ва бу босқичларда морфологик бирликларни ўргатиш, ҳамкорликда ишлаш шароитида ўқувчиларда фаолликни таъминлаб, уларни замонавий технологиялар асосида креатив фикрлашга йўналтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Компетенциявий ёндашув кўплаб тадқиқотчиларнинг илмий ишларида турли йўналишларда талқин қилиниб, ўқувчиларнинг кенг қамровли фикр-мулоҳаза юритишлари, эркин мулоқотга кириша олишлари, ўзлаштирган билим, кўникма, малакалардан фойдаланишга тайёрликлари ҳамда аниқ ҳаётий вазиятларда қўллай олишлари, фаоллик билан биргаликда ижодкорликнинг ривожланиб бориши, мустақил фикрлаш қобилиятларининг кенгайиши, ўз-ўзини баҳолашга бўлган эҳтиёжларининг шаклланиши билан характерланиши акс эттирилган ва ишда морфологик компетенцияларни ривожлантиришнинг кластерли модели тавсия этилган (1.1-расмга қаранг).

Моделнинг мақсади ўқувчиларда морфологик компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат деб белгиланди ҳамда ушбу модел асосида морфологик компетенциялар, ўқувчиларда морфологик компетенцияларни замонавий технологиялар асосида ривожлантириш босқичлари, морфологик компетенцияларнинг ривожланганлик даражасини белгиловчи мезонлар ишлаб чиқилди.

Биринчи бобнинг **“Морфологияга доир ўқув материаллар мазмуни ҳамда ўқувчиларда морфологик компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг мавжуд аҳволи”** номли иккинчи бўлимида она тилини ўқитиш методикасининг ривожланиши, олиб борилган илмий тадқиқотлар, умумтаълим мактабларида она тили фани бўйича амалдаги дастурлар ва дарсликларда морфологияга ажратилган соатлар кўрсатилди.



1.1-расм. Ўқувчиларда морфологик компетенцияларни ривожлантиришнинг кластерли модели

Таълим муассасаларида она тили машғулоти босқичли, шакл билан мазмун алоқадорлиги, тил бўлимларининг ўзаро боғлиқликлари асосида ташкил этилади. Тилнинг кўп сатҳли, чексиз имкониятли, мураккаб тизим сифатидаги талқинига таянилади. Шунинг учун дарсликларда келтирилган назарий маълумотларнинг изчиллигини ўрганиш, асосий эътиборни ўқувчиларнинг нутқий малакасини ривожлантиришга йўналтирилган машқ ва топшириқлар кўламини кенгайтиришга қаратиш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар берилган. Бугунги кунда таълим олувчиларни баркамол авлод сифатида тарбиялаш бош мақсадга айланган бир пайтда уларда нутқий кўникмаларни шакллантириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим вазифа бўлиб қолди. Зеро, тил кишилар ўртасида муҳим алоқа воситаси бўлиши билан бирга, олам ҳақидаги билимларни тўпловчи ва келажак авлодга етказувчи восита ҳамдир. Биринчи вазифаси коммуникатив, иккинчиси эса когнитив вазифадир⁷.

Диссертациянинг **“Ўқувчиларда морфологик компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш технологиялари”** номли иккинчи бобида ўқувчиларда морфологик компетентликни шакллантириш тизимининг ўзига хослиги ва морфологик компетентликни ривожлантиришда инновацион-интеграцион ёндашувнинг дидактик асослари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган ҳамда ўқувчиларнинг морфологик компетентлигини ривожлантиришнинг алгоритмик харитаси ишлаб чиқилган. Бобнинг **“Ўқувчиларда морфологик компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришни тизимли такомиллаштириш мазмуни”** бўлимида ўқувчиларнинг морфологик билимларини ошириш орқали нутқий компетентлигини ривожлантириш ва бунда ўқитишнинг замонавий педагогик технологияларидан самарали фойдаланиш, ўқув фаолияти жараёнида ўқувчининг имкониятларини ҳисобга олиш муҳим вазифалардан бири эканлиги баён қилинган.

Бугунги кунда таълимнинг барча босқичларига замонавий технологияларни жорий этиш, улардан оқилона фойдаланиш ва юқори самарадорликка эришишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу эса, ўқувчиларда илмий-назарий билимларни мустақил эгаллаш, билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва шу асосида ўқувчиларнинг илмий дунёқарашларини таркиб топтириш ҳамда фаоллигини оширишга хизмат қилади, ижодий қобилиятларини аниқлаш, рўёбга чиқариш, ўқитувчи-ўқувчи ҳамкорлигини ва кафолатланган якуний натижани таъминлайди, ўқувчини ўқув жараёнининг фаол қатнашчисига айлантиради. Шунингдек, ушбу бўлимда она тили таълими мазмунини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятини намоёни қилишга одатлантириш, нутқий малакаларини узвийлик ва узлуксизлик, алоқадорлик, таққослаш, онглилик, мустақиллик, индивидуаллик тамойиллари асосида ривожлантириш, нутқий маданият (оғзаки ва ёзма нутқ жараёнида сўзларни тўғри танлаш, уни нутқий вазият тақозосига кўра ўринли ишлатиш)

⁷ Болотов В.И. Потенция и когнитивная лингвистика. – ВЯ, 2008. – № 2. – С. 82.

кўникмаларини сингдириш морфологияни ўқитиш мисолида муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланган. Зеро, морфологияни ўрганиш ўқувчининг мустақил ва ижодий тафаккур доирасини кенгайтиради, сўзнинг турли шакллариини ўрганиш ва янги сўз ҳосил қилиш, уларни ўзаро қиёслаш ва танлаш, танлаб олинган сўзни гап таркибида ҳамда боғланишли нутқда ўринли ишлатиш кўникмаларини ривожлантиради. Уларда муайян нутқий маданият шаклланади⁸.

Бобнинг **“Морфологик компетентликни ривожлантиришга инновацион ва интеграцион ёндашув”** номли иккинчи бўлимида таълим фаолиятини ташкил қилиш ҳамда амалга ошириш жараёни билимни узатиш, уни қабул қилиш, англаш, эсда сақлаш, амалда қўллай олишни назарда тутиши ва бунда ҳар бир фаннинг ўзига хос томонларини ҳам инobatга олиниши кераклиги юзасидан фикр-мулоҳазалар келтирилган. Юқорида қайд этилган фикр ва мулоҳазалар асосида ўқувчиларнинг морфологик компетентлигини ривожлантиришнинг алгоритмик харитаси ишлаб чиқилган (2.2-расмга қаранг).


Алгоритмик хаританинг кириш қисмида, яъни биринчи босқичида ўқувчиларга ўқитувчи томонидан табақалаштирилган, мустақил фикрлашга ундовчи, босқичли машқлар берилади. Топшириқларни бажаришда қўллаб-қувватлаш орқали фикр-мулоҳазаларини эркин билдириш имконияти берилади. Иккинчи тайёрланиш босқичида ўқувчиларни мустақил ҳаракат қила олиш, хулосалар чиқаришда таҳлил ва синтез қилиш, баҳолай олиш компетенциялари шакллантирилади ҳамда ўқувчиларнинг морфологик билим, кўникма, малакаларини аниқлашнинг уч хил даражаси тавсия этилади.

Инновацион ва интеграцион технологиялардан фойдаланишнинг бош мақсади ўқувчи шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборат. Бунда ўқитувчи дарсга мос педагогик технологияни тўғри танлай олиши, қўллаши жуда муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Шу мақсадда бир неча (“Уч оға-ини ботирлар”, “Саралаб ол”, “Ўтимли феъллар мамлакати”, “Хато биздан – тўғрилаш сиздан”, “Мустақил сўз туркумлари сайёраси”, “Менга қўшни бўлинг”, “Сондан сонгача”, “Тенгламали матнлар”, “Оилангни топ”) инновацион технология ва усуллар таклиф этилган. Шунини таъкидлаш жоизки, морфологияни ўқитиш жараёнида ўқувчининг индивидуал хусусиятлари ҳамда қизиқишларини инobatга олиш ўқувчиларда фанга оид компетенцияларни шакллантириш жараёнининг самарали кечишига замин яратади. Шунингдек, ишда ўқувчиларда морфологик компетентликни ривожлантиришда қуйидаги педагогик омилларни инobatга олиш зарурлиги таъкидланади:

1. Ўқувчиларда морфология бўйича лингвистик компетенция элементларини ривожлантиришда ўзига хос индивидуал-психологик

⁸ To‘xliyev B., Shamsiyeva M., Ziyadova T. O‘zbek tili o‘qitish metodikasi. O‘quv qo‘llanma. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2006. – 176 b.

хусусиятларини чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда дидактик топшириқлардан тизимли фойдаланиш.



2.2-расм. Ўқувчиларнинг морфологик компетентлигини ривожлантиришнинг алгоритмик харитаси

2. Ўқувчиларда морфология бўйича лингвистик компетенция элементларини ривожлантириш ва амалиётда қўллаш олишларига замин яратиш.

3. Таълим жараёнида асосий эътиборни ўқувчиларнинг фанга оид ва таянч компетенцияларини ривожлантирадиган ўқув топшириқларга қаратиш.

Амалдаги дастурлар бўйича тузилган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларда мавзу мазмунини англаш малакасини ривожлантиришга қаратилган топшириқлар келтирилган. Ўқув машғулотлари давомида амалий топшириқлар қўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш, бунда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳам инобатга олиш лозим.

Диссертациянинг **“Ўқувчиларда морфологик компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш тизимининг самарадорлиги”** номли бобида она тили таълимида ўқувчиларда морфологик компетентликни ривожлантиришга доир тажриба-синов ишлари мазмуни, ўтказиш методикаси, ташкил этишнинг асосий босқичлари, шунингдек, тажриба-синов ишларининг натижалари ва самарадорлик кўрсаткичлари келтирилган.

Бобнинг **“Она тили таълимида ўқувчиларда морфологик компетентликни ривожлантиришга доир тажриба-синов ишлари мазмуни”** бўлимида тажриба-синов ишлари белгиланган майдонларда 2016-2019 йилларда ўтказилганлиги ҳақида маълумот берилган.

Тажриба-синов ишларининг мақсади она тили таълимида ўқувчиларда морфологик компетентликни шакллантириш, замонавий технологиялар ёрдамида ўқувчиларда мужассам билимлар, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантириш, ўқувчиларнинг креатив фикрлаш қобилиятини, оғзаки ва ёзма саводхонлигини ўстиришнинг педагогик-методик хусусиятларини ёритиш, таълимнинг узвийлик, узлуксизлик, алоқадорлик, таққослаш, онглилик, мустақиллик, индивидуаллик тамойилларига таяниб, ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўллаш ҳамда олган билимларини амалиётда қўллай олиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, ўқувчиларда морфологик компетентликни ривожлантиришда бир неча фаолият усуллари мезон қилиб олинган:

а) ўқувчиларнинг ўрганилган билим ва кўникмаларни нотаниш вазиятларда қўллай олиш ҳамда янги билимлар ҳосил қилишдаги иштирокига кўра;

б) мавзуларни ўзлаштира олишлари ва қизиқишларига қараб;

с) биз тавсия этган технологиялардан фойдаланиб, фикрини услубий меъёрларга тўлиқ риоя қилган ҳолда оддий ва содда, тушунарли ҳамда раван тилда баён қилишига кўра;

д) узвийлик, изчиллик ва алоқадорликка амал қилишига кўра;

е) ўқувчиларнинг фикрлаши, амалий ишларни бажаришига қараб.

Педагогик амалиёт давомида табақалаштирилган, мустақил фикрлашга ундовчи, босқичли топшириқлар асосида ўқувчиларнинг морфологик компетентлигини аниқлашга қаратилган топшириқлар берилди. Унинг аҳамиятли жиҳати шундаки, берилган топшириқлар уларнинг морфологик билимларни қай даражада эгаллаганликларини аниқлашга ёрдам беради. Ишлаб чиқилган технологиялар эса морфологик компетенцияларни ривожлантириш орқали нутқий саводхонликни оширишга хизмат қилади.

Тажриба-синов ишлари Фарғона вилоятининг Ёзёвон тумани халқ таълими бўлими тасарруфидаги 3-умумий ўрта таълим мактаби ҳамда 36-хорижий тилларга ихтисослаштирилган умумтаълим мактабларида;

Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги 14-ДИМИ, Тўрақўрғон туманидаги 22-сонли умумий ўрта таълим мактабларида; Андижон вилояти Балиқчи туманидаги 1-, 50-сонли умумтаълим мактабларида олиб борилди. Тажриба-синов ишларига жалб этилган респондент-ўқувчиларнинг сони жами 473 нафарни ташкил этди (3.2.1-жадвалга қаранг).

3.2.1-жадвал

Тажриба майдонлари сифатида белгиланган умумтаълим мактаблари ва респондент-ўқувчилар сони

Тажриба-синов майдонлари	Респондентлар сони	5-синф	6-синф	7-синф
Ёзёвон туманидаги 3-мактаб	88	30	32	26
Ёзёвон туманидаги 36-мактаб	80	32	28	20
Норин туманидаги 14-ДИМИ	90	30	30	30
Тўрақўрғон туманидаги 22- мактаб	72	25	22	25
Балиқчи туманидаги 1-мактаб	66	21	23	22
Балиқчи туманидаги 50-мактаб	77	26	28	23
Жами	473	164	163	146

Тадқиқот 3 босқичдан иборат бўлиб, биринчи изланувчи-таъкидловчи босқичида ўқув жараёнидаги мавжуд ҳолатлар ўрганилди. Ўқув-услубий таъминоти: ўқув режа, намунавий дастур, тақвим режа, дарсликлар, қўлланмалар таҳлил этилди, она тили дарслари кузатилди, фан ўқитувчилари ўртасида анкета сўровномалари ўтказилди.

Шакллантирувчи ва яқунловчи босқичда она тили дарсларида ўқувчиларда морфологик компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш натижалари ўрганилди. Тажриба-синов натижаларини таҳлил қилиш асосида тажриба аввалида қуйидаги кўрсаткичлар аниқлаштирилди (3.2.5-жадвалга қаранг).

3.2.5-жадвал

Тажриба аввалида тажриба ва назорат гуруҳининг умумий кўрсаткичлари

№	Тажриба ва синов объекти	Ўқувчилар сони	Тажриба гуруҳлари			Ўқувчилар сони	Нazorат гуруҳлари		
			қони-қарли	яхши	аъло		қони-қарли	яхши	аъло
			ТА	ТА	ТА		ТА	ТА	ТА
1	Наманган	162	52	89	21	166	89	57	20
2	Фарғона	168	53	81	34	172	92	59	21
3	Андижон	143	56	58	29	155	68	68	19
	Жами	473	161	228	84	493	249	184	60

Математик-статистик методнинг моҳиятига кўра дастлабки босқичда синов ва назорат гуруҳларида қайд этилган натижаларни белгилаб, аъло,

қониқарли ва яхши кўрсаткичлари бўйича вариацион қаторларни ҳосил қилиш лозим бўлади. Ўқувчиларда морфологик компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш тизимининг самарадорлиги бўйича тажрибадан кейинги (ТК) ўзлаштириш даражалари аниқланади (3.2.9-жадвалга қаранг).

3.2.9-жадвал

Ўқувчиларда морфологик компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш тизимининг самарадорлиги бўйича тажрибадан кейинги ўзлаштириш даражалари

№	Тажриба ва синов объектлари	Ўқувчилар сони	Тажриба гуруҳлари			Ўқувчилар сони	Назорат гуруҳлари		
			қониқарли	яхши	аъло		қониқарли	яхши	аъло
			ТК	ТК	ТК		ТК	ТК	ТК
1	Наманган	162	30	62	70	166	91	54	21
2	Фарғона	168	40	60	68	172	89	61	22
3	Андижон	143	21	54	68	155	91	43	21
	Жами	473	91	176	206	493	271	158	64


Тажриба-синов ишлари сўнгидаги тажриба ва назорат гуруҳларининг умумий кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда келтирилган (3.2.11-жадвалга қаранг).

3.2.11-жадвал

Ўқувчиларда морфологик компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш тизимининг самарадорлиги бўйича тажриба ва назорат гуруҳларидаги маълумотларнинг солиштирма жадвали

Тажриба гуруҳи	Тажриба ва синов объектлари	3 (қониқарли)	4 (яхши)	5 (аъло)	Жами
	Наманган	30	62	70	162
	Фарғона	40	60	68	168
	Андижон	21	54	68	143
	Жами	91	176	206	473
Назорат гуруҳи	Тажриба ва синов объектлари	3 (қониқарли)	4 (яхши)	5 (аъло)	Жами
	Наманган	83	54	29	166
	Фарғона	74	60	38	172
	Андижон	69	65	21	155
	Жами	226	179	88	493

Юқоридаги жадвал маълумотларини таққослаш мақсадида қуйидаги диаграммани ҳосил қиламиз (3.3-расмга қаранг).



3.3-расм. Педагогик тажриба-синовнинг умумий статистик таҳлили диаграммаси

Педагогик тажриба-синовнинг умумий статистик таҳлили диаграммасидан кўриниб турибдики, тажриба гуруҳи кўрсаткичлари назорат гуруҳи кўрсаткичларидан юқори экан. Энди 11-жадвал маълумотларини математик-статистик таҳлил қиламиз.

Назорат гуруҳидаги ўқувчилар сонини мос равишда X_i ва уларнинг такрорланишларини эса n_i лар ва шу каби тажриба гуруҳидаги ўқувчилар сонини мос равишда эса Y_j , уларнинг такрорланишларини эса m_j лар орқали белгилаб олиб, вариацион қаторлар ҳосил қилинади. Шунингдек, юқори кўрсаткични 5 балл билан, ўрта кўрсаткични эса 4 балл билан ва паст кўрсаткични 3 балл билан белгилаймиз.

Тажриба-синов ишларида назорат гуруҳларидаги ўқувчилар сони $n=493$, тажриба гуруҳидаги ўқувчилар сони $m=473$ та бўлиб, бу сонларни X_i ва Y_j вариантларга мос статистик танланмаларни ҳажмлари деб қараймиз. Демак, 1-,2-жадваллардаги маълумотлардан қуйидаги икки вариацион қаторларни тузиб оламиз: ($n = n_1 + n_2 + n_3$ ва $m = m_1 + m_2 + m_3$)

Назорат гуруҳининг ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$(1) \begin{cases} X_i & 3 & 4 & 5 \\ n_i & 271 & 158 & 64 \end{cases} \quad n = \sum_{i=1}^3 n_i = 493$$

Тажриба гуруҳининг ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$(2) \begin{cases} Y_j & 3 & 4 & 5 \\ m_j & 91 & 176 & 206 \end{cases} \quad m = \sum_{j=1}^3 m_j = 473$$

Статистик таҳлил ўтказишни қулайлаштириш мақсадида юқоридаги вариацион қаторлардан n_i ва m_j такрорийлик (частота)ларни мос статистик

эҳтимоллик формулалари $p_i = \frac{n_i}{n}$ ва $q_j = \frac{m_j}{m}$ асосида ҳисоблаймиз.

$$(3) \begin{cases} X_i & 3 & 4 & 5 \\ p_i & 0,55 & 0,32 & 0,13 \end{cases} \quad \sum_{i=1}^3 p_i = 1$$

$$(4) \begin{cases} Y_j & 3 & 4 & 5 \\ q_j & 0,20 & 0,36 & 0,44 \end{cases} \quad \sum_{j=1}^3 q_j = 1$$

Статистик таҳлилни ҳар икки танланма бўйича ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларини ҳисоблашдан бошлаймиз:

$$\bar{X} = \sum_{i=1}^3 p_i X_i = 0,55 \cdot 3 + 0,32 \cdot 4 + 0,13 \cdot 5 = 3,58$$

$$\bar{Y} = \sum_{i=1}^3 q_i Y_i = 0,20 \cdot 3 + 0,36 \cdot 4 + 0,44 \cdot 5 = 4,24$$

$$\text{Фоизда } \bar{X} \% = \frac{3,58 \cdot 100\%}{5} = 71,6\%$$

$$\bar{Y} \% = \frac{4,24 \cdot 100\%}{5} = 84,8\%$$

$$\text{Ўсиш} - \bar{Y} \% - \bar{X} \% = 13,2\%$$

Демак, тажриба-синов гуруҳларида ўқувчилар билимларининг кўрсаткичлари ўрта ҳисобда 13,2% га ошган.

Юқоридаги ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда математик-статистик таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стъюдентнинг танланма мезони, Стъюдент мезони асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик мезони ва ишончли четланишлари қуйидаги жадвалда акс эттирилди(3.2.13 -жадвалга қаранг).

3.2.13 -жадвал

\bar{X}	\bar{Y}	S_x^2	S_y^2	C_x	C_y	$T_{x,y}$	K	$X_{n,m}^2$	Δ_x	Δ_y
3,58	4,24	0,5036	0,5824	0,89	0,82	13,2	951,6	164,81	0,06	0,07

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

$$\text{Бизга маълум } \bar{X}=3,58; \quad \bar{Y}=4,24; \quad \Delta_x = 0,06; \quad \Delta_y = 0,07 \quad \text{га тенг.}$$

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{\text{усб}} = \frac{(\bar{Y} - \Delta_y)}{(\bar{X} + \Delta_x)} = \frac{4,24 - 0,07}{3,58 + 0,06} = \frac{4,17}{3,64} = 1,14 > 1;$$

$$K_{\text{одб}} = (\bar{Y} - \Delta_y) - (\bar{X} - \Delta_x) = (4,24 - 0,07) - (3,58 - 0,06) = 4,17 - 3,52 = 0,65 > 0$$

Ҳосил бўлган қийматлардан тажриба-синов ишлари самарадорлигини баҳоловчи мезоннинг бирдан катталиги билан она тили дарсларида ўқувчиларда морфологик компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларнинг шаклланганлик даражасини баҳолаш мезонининг нолдан катталиги билан кўриш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичи назорат гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичидан юқори эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

ХУЛОСА

1. Тилдаги сўзларни туркумларга ажратиш, уларнинг лексик-грамматик маънолари, синтактик хосланганлигига кўра фарқлаш, грамматик шакл ва воситаларни нутқда тўғри, ўринли қўллашга доир билим, малака ҳамда кўникмалар мажмуи морфологик компетенциядир.

2. Тилнинг морфологик бирлик ва воситаларига доир мукамал, юксак билим, малака ва кўникмалар ифодаси бўлган морфологик компетенция фонетик, лексик, сўз ясалиши, синтактик, услубий компетенциялар билан узвий алоқадорлиги, боғлиқлиги, ўқувчиларда уларни қўллашга доир билимлар сирасининг такомиллашувига хизмат қилиши билан муҳим илмий ва амалий моҳиятга эга.

3. Ўқувчиларда мустақил, ижодий, эркин, изчил фикрлаш, нутқий фаоллик кўникмалари такомилда морфологик компетенцияларни ривожлантиришнинг кластерли моделидан фойдаланиш самаралидир.

4. Умумтаълим мактаби она тили дарсларида назарий жиҳатдан табақалаштирилган, мустақил фикрлашга ундовчи, кўп босқичли дидактик топшириқлардан тизимли фойдаланиш ўқувчиларнинг морфологик компетентлигини шакллантиришга хизмат қилади.

5. Ўқувчиларда морфологик компетентликнинг шаклланганлиги уларда адабий талаффуз, имловий, услубий саводхонлик малака ва кўникмалари ривожланишини таъминлайди.

6. Ўқувчиларнинг морфологик компетентлигини ривожлантириш асосида уларнинг тил ва нутқ бирликлари ходисаларини фарқлаш, тушуниш, қўллаш, таҳлил қилиш, нутқий вазият ва мақсадга кўра алмаштириш каби морфологик компетентлик сирасига кирувчи билим, малака ва кўникмаларининг такомиллашувини таъминлайди.

7. Морфология соҳасини ўқитишда “Капалак”, “Чўкқида кўришгунча”, “Пойдевор”, “Саралаб ол”, “Уч оға-ини ботирлар”, “Менинг уйим”, “Менга кўшни бўлинг”, “Сўз туркумлари сайёраси”, “Эгизаклар”, “Сондан сонгача” каби таълимий ўйин технологияларидан самарали ва унумли фойдаланиш ўқувчиларда морфологик компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг синалган методик асоси ҳисобланади.

8. Ўқувчиларни морфологияга доир билимларини баҳолашда замонавий тестлардан фойдаланиш морфологик бирликлар ва воситаларга доир билимларни амалиётда фаол қўллаш, йўл қўйилган хатоларни аниқлаш, таҳлил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш ва назорат қилиш имконини беради.

9. Ўқувчиларнинг морфологик компетентлигини ривожлантиришда таълимнинг узвийлик, узлуксизлик, алоқадорлик, таққослаш, онглилик, мустақиллик, индивидуаллик тамойилларига таяниш муҳим илмий-назарий ва амалий моҳиятга эга.

10. Умумтаълим мактабларида ўқувчиларда морфологик компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантиришга доир замонавий технологияларни қўллашда ДТС, ўқув дастури талабларига асосланган

ҳолда ўқувчиларнинг педагогик-психологик имкониятларини ҳам инобатга олиш муҳим омил ва жараён дир.

**Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги тавсиялар ишлаб
чиқилди:**

1. Ўқувчиларда морфологик компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришда ўқув мақсадларини аниқлаб олиш, нутқ ва тил ҳодисаларини ривожлантиришнинг инновацион-методик тизимини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

2. Морфологик компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган машғулотларда ўқувчиларни далиллаш, таққослаш, таҳлил қилиш асосида хулоса чиқаришга йўналтириш лозим.

3. Морфологияни ўқитишда фанлараро инновацион ва интеграцион дарсларни ташкил этиш кўламини кенгайтириш зарур.

4. Она тили дарсларида ўқувчиларда морфологик компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнида дидактик топшириқларни тизимли қўллаш ҳамда назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш таълим сифати ва самарадорлигини оширишда самарали ҳисобланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.03/04.06.2020.Fil.76.04 ПРИ НАМАНГАНСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АБДУРАСУЛОВА УМИДА САДУЛЛАЕВНА

**СОВРЕМЕННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ФОРМИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ
МОРФОЛОГИЧЕСКИХ КОМПЕТЕНЦИЙ У УЧАЩИХСЯ В
ОБУЧЕНИИ РОДНОМУ ЯЗЫКУ**

**13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания по отраслям
(узбекский язык)**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.3.PhD/Ped 591.

Диссертация выполнена в Наманганском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.namdu.uz) и информационно-образовательном портале "ZiyoNET" (www.ziynet.uz.)

Научный руководитель:	Собирова Махбубахон Юсупджонова, кандидат педагогических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Искандарова Шарифа Мадалиевна, доктор филологических наук, профессор Юсупова Шохиджа Жалолиддиновна, доктор педагогических наук, профессор
Ведущая организация:	Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои

Защита диссертация состоится «___» _____ 2020 года в _____ часов на заседании Научного совета PhD.03/04.06.2020.Fil.76.04 при Наманганском государственном университете. (Адрес: 160119, г. Наманган, ул. Уйчи, дом № 316. Тел.: (+99869)227-06-12; факс: (99869)227-0761); e.mail:info@namdu.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Наманганского государственного университета (зарегистрирована под №___). (Адрес: 160119, г. Наманган, ул. Уйчи, дом № 316. Тел.: (+99869)227-01-44);

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2020 года.
(протокол рассылки №___ от _____ 2020 года).

Н.М. Улуков
Председатель Научного совета
по присуждению учёных степеней, д.ф.н., профессор

У.Я. Кузиев
Учёный секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней, PhD.

Х.А. Жураев
председатель научного семинара при научном совете
по присуждению учёных степеней, д.ф.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой педагогике главным приоритетом языкового образования стало создание и внедрение в систему образования современных педагогических технологий, способствующих формированию, развитию и совершенствованию лингвистических компетенций на разных языковых уровнях учащихся. Поэтому при обучении родному языку, исходя из принципа от теории к практике, серьезное внимание уделяется развитию языковых компетенций учащихся на основных фонетических, лексико-семантических, грамматических уровнях и единицах языка.

Среди лингвистических компетенций в теории мировой лингвистики морфологическая компетенция, представляющая собой совокупность глубоких знаний, умений и навыков в классификации частей речи, лексических и грамматических значений, морфологических форм и категорий слов, имеет важную научную, теоретическую и практическую образовательную ценность. Морфологическая компетенция способствует совершенствованию, развитию и формированию не только морфологических, но и фонетических, лексических, морфемических, синтаксических и методологических компетенций учащихся на основе принципов взаимосвязи, взаимозависимости, непрерывности и преемственности, но и развитию у учеников активного творческого, самостоятельного, критического мышления, находчивости. Учитывая все вышесказанное, проектирование процесса обучения родному языку на основе компетентного подхода, создание научно-методических систем и современных технологий для развития и совершенствования языковых компетенций учащихся является важным вопросом повестки дня.

Особое внимание в нашей стране уделяется развитию и совершенствованию обучению родному языку на всех этапах образования. В новой Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан перед учителями и воспитателями поставлены такие важные задачи, как "воспитание физически здоровой, духовно и умственно развитой, самостоятельно мыслящей, преданной Родине молодежи, имеющей решительные жизненные точки зрения, повышение их социальной активности в процессе развития гражданского общества и углубления демократических реформ"⁹. Это, конечно, возлагает на учителей родного языка и литературы задачу воспитания зрелой личности с глубокими знаниями, умениями и навыками во всех областях и сферах языка, то есть развития лингвистической компетенции. В связи с этим актуальным является изучение технологий формирования и развития компетенций в понимании, осмыслении, дифференциации, применении, анализе морфологических единиц и средств у учащихся в процессе обучения родному языку.

⁹ См: www.lex.uz / Указ Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева № УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужило выполнению задач, изложенных в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, Указе Президента УП-5712 "Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года" от 29 апреля 2019 года, Указе Президента УП-5850 "О мерах по коренному повышению престижа и статуса узбекского языка как государственного языка" от 21 октября 2019, Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-3931 "О мерах по внедрению новых принципов управления в систему народного образования" от 5 сентября 2018 года, Постановление Кабинета Министров № 187 "Об общем среднем и среднем специальном, на этапе утверждения государственных образовательных стандартов профессионального образования" от 6 апреля 2017 года и иных нормативно-правовых актов, касающихся данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий 1. "Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики".

